МАРКАЗИЙ ФАРҒОНА ЧЎЛЛАРИНИНГ ЎЗЛАШТИРИЛИШИ (XX асрнинг 50-60-йиллари мисолида)

О.К.КОМИЛОВ

В статье на основе архивных источников освещен процесс освоения и орошения целинных земель Центральной Ферганы, организация данного мероприятия и его отрицательные последствия.

In the present article the reclamation and irrigation process of the arid virgin lands of Central Fergana, as well as, their measures and negative effects are investigated on the basis of achieve sources.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳокимлиги ҳукмрон бўлиб, шу сиёсат асосида республикадаги пахта экин майдонлари йилдан-йилга кенгайиб борди. Жумладан, пахтачиликни ривожлантириш мақсадида республикадаги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришга катта эътибор қаратилди. Собиқ Иттифоқ таркибида Ўзбекистон асосан пахта етиштиришга ихтисослаштирилган бўлиб, хом ашё базасига айлантирилди ва етиштирилган пахтанинг 90 фоизи марказга ташиб кетилди. Пахта яккаҳокимлиги сиёсатининг ўрнатилиши, амалга оширилиши ва экин майдонларининг назоратсиз суғорилиши бир қанча жиддий хавф-хатар ҳамда муаммоларни келтириб чиқарди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бу жараёнларга қуйидагича баҳо берди: “Пахта яккаҳокимлигининг вужудга келиши оқибатида республиканинг дон ва ундан олинадиган ўта муҳим озиқ-овқат хом ашёси турлари, гўшт ва сут бўйича, яъни энг зарур озиқ-овқат таъминоти бўйича марказга ва бошқа республикаларга қарамлиги вужудга келган эди. Оқибатда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда жиддий қийинчиликлар вужудга келди. Пахта яккаҳокимлиги туфайли илмий жиҳатдан асосланган алмашлаб экиш тизими бузилди, ер ўз ҳосилдорлигини йўқота борди, сув ресурсларининг етишмовчилиги кучайди” [1.19].

Ўзбекистонда пахтачиликни янада тараққий эттириш ҳамда ривожлантириш мақсадида республиканинг барча ҳудудларида қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ишларига алоҳида аҳамият берилди. XX асрнинг 50-60-йилларидан бошлаб пахта етиштириш учун қулай ҳудуд ҳисобланган Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш ва суғориш ишларига совет ҳукумати томонидан эътибор қаратилди ҳамда мазкур масала бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Маълумки, Марказий Фарғона ҳудудларини катта ҳажмда ўзлаштириш жараёни 1953 йилдан бошланган. Унинг умумий майдони 363,7 минг гектарни ташкил қилиб, 1953 йилнинг 1 январига қадар 173,2 минг гектар ер ўзлаштирилиши режалаштирилган, шундан 130,4 минг гектари Фарғона вилоятига, 42,8 минг гектари Андижон вилоятига тўғри келган [2.13].

Совет ҳокимияти томонидан республикадаги чўл ва қўриқ зоналардаги бўш ётган ерларни ўзлаштириш бўйича кўплаб қарорлар чиқарилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1953 йил 20 октябрдаги 1735-сонли “Ўзбекистон ССРда суғориладиган ерларни кенгайтириш ва сув хўжалигининг бундан кейинги ривожланиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида Наманган вилоятидаги суғориладиган майдонларнинг 1958 йилдаги ўсиши 38,0 минг гектарни ташкил этгани қайд этилган. Қарорга кўра, Марказий Фарғона бўйича бу майдонларнинг ўсиши 28,0 минг гектарни ташкил қилиб, 1953-1955 йилларда экиш учун 25,0 минг гектари тайёр бўлиши керак эди [3.1].

1953 йилдан бошлаб ушбу тадбирни тўла амалга ошириш мақсадида “Фарғонаводстрой” қурилиш трести ташкил қилинди. Марказий Фарғонада 1953 йилдан 1956 йилнинг 1 августига қадар капитал қурилиш ишларига маблағ сарфланишини 1-жадвалдан кўриш мумкин[13.32].

1-жадвал

Марказий Фарғона ерларидаги капитал қурилиш ишларига маблағларнинг сарфланиб бориши (1953-1956) (минг рубль ҳисобида)

№	Йиллар	Колхозларнинг бўлинмас фондидан	Давлат бюджетидан
1	1953	16574	17788
2	1954	45330	18062
3	1955	53295	15328
4	1956	21660	4422
Жами		**136859**	**55600**

Жадвалдан кўриниб турибдики, 1953-1956 йиллар мобайнида Марказий Фарғона ерларида капитал қурилиш ишларига жами 192459000 рубль маблағ сарф қилинди. Капитал қурилиш ишларининг аксариятига маблағлар колхозларнинг бўлинмас жамғармасидан ажратилди. Давлат бюджети ҳисобидан эса маблағ ажратишга унчалик катта эътибор берилмади, бу тармоққа жуда оз миқдорда маблағ ажратилди ҳамда унинг миқдори йилдан йилга қисқариб борди.

1953-1955 йилларда Гулбоғ совхозидаги қўриқ ерлар 1,6 минг гектарни, янги ерлар 6,3 минг гектарни, Дамкўл янги суғориш массивида эса янги ерлар 3,5 минг гектарни ташкил қилган [3.1]. Наманган вилоятида мазкур даврдаги хўжалик жиҳатидан ўзлаштирилган колхозлар сони 48 тани ташкил қилди. Ўзлаштирилган ерларда ташкил қилинган колхозларнинг бир гектар еридан 8-10 центнергача пахта ҳосили олинди. Задарё (ҳозирги Мингбулоқ) туманининг "Гигант" колхозида дастлабки йилларданоқ гектаридан 18 - 20 центнергача пахта ҳосили олинди [3.3]. "Фарғона вилоятининг Марказий Фарғона қисмидаги Сўх-Исфара ва Ғарбий Ёзёвон массивлари ҳудудларида жойлашган Киров районидаги "Искра" ва "Москва", Охунбобоев районидаги "Ғалаба" ва "1 май" колхозлари кўчма бригадаларининг янги ерларни ўзлаштириш борасидаги ишлари самарали бўлиб, бу ерлар ўзлаштирилганидан кейинги биринчи йил – 1964 йилда ҳар гектар ердан 20 центнердан, 1965 йилда 26,3 ва 1972 йилда 47 центнердан ҳосил олинди" [2.37].

Ўтган йиллар мобайнида Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш соҳасида янги суғориш системалар қуриш, эски системани техник жиҳатдан қайта қуриш ва ўзлаштирилган ерларнинг мелиоратив шароитини яхшилаш бўйича катта ҳажмдаги ишлар бажарилди [4.25]. Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш ва суғориш ишларига капитал маблағлар сарфлаш йилдан йилга ортиб борди. Масалан, 1953 йилда бу соҳаларга 7300000 рубль сарфланган бўлса, 1965 йилда 11200000 рубль миқдоридаги маблағ сарф қилинди. 1953 йилдан 1961 йилга қадар 60,6 минг га, Марказий Фарғона ҳудудларидан ташқарида 4,6 минг га, жами 65,2 минг га ер ирригация-мелиорация жиҳатдан тайёрланди.

"Фарғонаводстрой" қурилиш-монтаж трести колхозлараро советининг қарорига мувофиқ, 1955 йил 30 мартида Андижон вилояти колхозлари фондидан сув хўжалиги ва йўл қурилишига 30 млн рубль маблағ ажратилди. Андижон вилояти ижроия комитети 1955 йил 14 мартдаги 123 / 10-сонли қарорига кўра туманларга 30 млн ўрнига 25 млн пул маблағи ажратди [5.285]. Андижон туманидаги "Бахт" электр подстанцияси ёрдамида 3596 га янги ер суғорилди. Шу туманнинг "Ленинград" колхозида 10 та электр насос агрегати ёрдамида пахта экилган 1133 га ер суғорилди [6.78].

Ўзбекистон КП МК ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1957 йил 26 февралдаги 99-сонли қарорига мувофиқ шу йилнинг 18 мартида ЎзССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги "Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштириш ишларини кучайтириш тўғрисида" ги 55-сонли буйруқни чиқарди [7.107]. Ушбу буйруққа асосан Марказий Фарғона ерларини суғориш ва хўжалик жиҳатидан ўзлаштириш режаси 1956-1961 йиллар даврида 80,0 минг гектар қўриқ ва бўз ерларни ташкил қилиб, жумладан, у Фарғона вилоятида - 32,0 минг га, Андижон вилоятида - 28,0 минг га, Наманган вилоятида - 20,0 минг гектардан иборат бўлди. 26 февралдаги қарордан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги органларининг биринчи вазифаси қилиб Марказий Фарғонанинг барча ҳудудларида суғориш ишларини янада кучайтириш ва унинг 142,0 минг гектар майдонидаги қўриқ ерлар ўрнида янги суғориладиган маданий деҳқончилик тумани барпо этиш вазифаси белгиланди.

1959 йил 23 январда Ўзбекистон КП МК ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг "1959 йилда Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштириш бўйича қурилиш иши дастурларини тасдиқлаш ҳақида" ги 45 - сонли қарори чиқди [9. 36]. Дастурга мувофиқ Марказий Фарғона массивидаги суғориладиган ерларнинг ўсиш миқдори 13000 га, амалда эса 10230 га режалаштирилган. 1959 йилда Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштириш бўйича қурилиш ишлари режаси асосида бу ҳудудга 186685000 рубль маблағ ажратилди.

1959 йил 3 августда Ўзбекистон КП МК ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети "1959-1965 йилларда Марказий Фарғонада қўриқ ва бўз ерларни суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида" ги 583-сонли қарор чиқарди. Ушбу қарор асосида Марказий Фарғона ҳудудларини сув билан таъминлашни янада кўпайтириш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Қарорда ўзлаштириш борасида олиб борилган ишлар хусусида қуйидаги маълумотлар берилган: "36 минг гектардан ортиқроқ бўз ва қаровсиз ётган ташландиқ ерлар қишлоқ хўжалиги оборотига киритилди, 250 км дан ортиқроқ автомобиль йўллари қурилди, 22 та колхоз посёлкалари барпо қилинди" [10.24].

Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари партия комитетлари ва ижроия комитетлари, Ўз ССР Давлат режа комитети, ЎзССР Қишлоқ ва Сув хўжалиги вазирликлари, Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштириш бўйича колхозлараро совети томонидан киритилган 1959-1965 йилларда Марказий

Фарғонада 97 000 гектар, бундан Фарғона вилоятига - 46,2 минг га, Андижон вилоятига - 24,8 минг га, Наманган вилоятига - 26,0 минг га ерларни суғориш ва ўзлаштириш таклифлари маъқулланди ва бу бўйича қарор қилинди [10.26].

Ўзбекистон ССР Давлат режа комитети, Қишлоқ ва Сув хўжалиги вазирликлари, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари партия, совет, комсомол ва касаба уюшмалари ташкилотларига Марказий Фарғонанинг суғориладиган ерларидаги қолган барча ишларни еттинчи беш йиллик охирига қадар якунлаш ҳақида топшириқ берилди.

1960 йил 18 мартда ЎзССР Сув хўжалиги вазирлиги "1960 йилда Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштириш бўйича қурилиш иши дастури тўғрисида" 104-сонли буйруқ чиқарди[15.67]. Ушбу буйруқда ЎзССР Сув хўжалиги вазирлигининг Марказий Фарғона объектларини капитал маблағ билан таъминлаш режаси ўрнатилди ва "Фарғонаводстрой" трестини 1960 йилда 111.151 000 рубль миқдорида маблағ билан таъминлаш тасдиқланди (ундан 53000000 рубли колхозларнинг бўлинмас маблағлари ҳисобидан, 58151000 рубли давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилди). Бундан ташқари, 99306000 рубль ҳажмидаги қурилиш-монтаж ишлари объектлар бўйича ижрочилар ўртасида бўлиб берилди.

1960 йилнинг 21 мартида ЎзССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги "1960 йилда Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштириш бўйича қурилиш ишлари дастурларини тасдиқлаш тўғрисида" ги 85-сонли буйруқ чиқарди [16. 124]. Ушбу буйруқда Ўзбекистон КП МК ва ЎзССР Министрлар Советининг 9 март 1960 йилдаги 204-сонли қарорига асосан қуйидагилар тасдиқланди:

- Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштириш бўйича қурилиш ишлари дастурига 1960 йилда 187.156 000 рубль, бундан ташқари колхозларнинг бўлинмас фонди ҳисобидан 108.550 000 рубль (ундан Фарғона вилояти колхозлари ҳисобидан 60.750 000 рубль, Андижон вилояти бўйича - 47.800 000 рубль), давлат бюджети ҳисобидан 59.251 000 рубль, қишлоқ хўжалиги кредитидан 18.000000 рубль ва "Ўзбекбирлашув" маблағлари ҳисобидан 1.355000 рубль миқдорида маблағ ажратилди;

- 1960 йилда капитал қурилиш ҳисобидан бўз ва қаровсиз ётган ерлар майдонини тайёрлаш учун 12 000 га ҳажмида, шундан 1960 йилда экишга 4954 га, 1961 йил экиш учун 7046 га Марказий Фарғона массивлари ва вилоятлари бўйича тақсимланди;

- Фарғона ва Андижон вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармалари бошлиқлари Нишонов ва Абдурахимовларга, шунингдек, Фарғона совхозлари трести директори Азимовга ўн кун муддат ичида 1960 йилда Марказий Фарғона колхоз, совхозларида режалаштирилган топшириқларни бажариш, ҳар бир РТС ва совхозларга 5,0 млн рубль миқдорида маблағ етказиб бериш ҳамда унинг бажарилишини назорат қилиш вазифаси юклатилди. Ушбу буйруқнинг ижросини таъминлаш ва назорат қилиш янги ерларни ўзлаштириш бошқармаси бошлиғи Н.Д.Бергерга юклатилди [16.125].

1960 йил 14 июлдаги ЎзССР Министрлар Советининг 621-сонли қарорида Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш ва суғориш ишлари қурилишига маблағ ажратиш қониқарли даражада эмаслиги таъкидланди. Биринчи ярим йиллик режасига мувофиқ колхозлараро совет томонидан қурилиш ишларига 43.210000 рубль сарфланиши керак эди, амалда эса фақат 17.874 000 рубль ҳажмидаги маблағ ишлатилди. "Фарғонаводстрой" трести томонидан сув хўжалиги қурилишига ажратилган 22.400000 рубль маблағдан 10.629000 рубли киритилди, холос [9.28].

1961 йил 12 майда Ўзбекистон КП МК ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети "Марказий Фарғонада қўриқ ерларни ўзлаштиришнинг бориши тўғрисида" ги 370-сонли қарор чиқарди [11.1]. Унга кўра, 1953 йилдан 1961 йилга қадар 60,6 минг гектар ер ирригация-мелиорация жиҳатидан тайёрланди, шундан 1960 йилда 41,0 минг гектари экин билан банд қилинди. Бундан ташқари, Марказий Фарғонадан ташқаридаги 4,6 минг гектар ҳудуд ҳам "Фарғонаводстрой" трести томонидан ўзлаштирилди ва суғорилди. Мана шу давр мобайнида сув хўжалиги, йўл ва қишлоқ қурилишига 82,4 млн рубль миқдорида маблағ сарф қилинди, унинг 46,7 млн рубли колхозларнинг бўлинмас фондидан ажратилди.

1962 йилда 14432 га (илгари тайёрланган) ерлар яна қайта суғоришга киритилди, унинг 7303 гектари Фарғона вилоятига, 7278 гектари Андижон вилоятига тўғри келди. Шу йилда 17484,3 га ер қишлоқ хўжалиги оборотига киритилган, ундан 3409,8 га - Андижон вилоятига, 14034,8 га - Фарғона вилоятига тўғри келди. 1963 йилда 3756 гектар ер ирригация-мелиорация ҳолатида тайёрланиб, акт бўйича ердан фойдаланувчиларга вақтинча фойдаланиш учун берилган. Охирги беш йил мобайнида Марказий Фарғонанинг Фарғона вилоятида 20718 гектар ер ирригация-мелиорация жиҳатидан тайёрланган [14.22].

1962 йилнинг март ойида СССР Министрлар Совети Давлат назорати комиссияси, ЎзССР Министрлар Совети давлат назорати комиссияси ҳамда унинг Андижон вилояти бўйича гуруҳи билан биргаликда Андижон вилоятидаги колхоз ва совхозларнинг суғориладиган ерлардан фойдаланиш, шунингдек, ўзлаштириш ишларининг қониқарсиз олиб борилга-

ни, бунинг сабаб ва оқибатлари бўйича текширув ўтказилди. Текширувда сўнгги йилларда вилоят колхоз ва совхозларида янги ерларни ўзлаштириш бўйича баъзи ижобий натижаларга эришилганлиги аниқланди. Текширувда қуйидагилар алоҳида таъкидланди: "Кейинги 9 йил ичида вилоят колхоз ва совхозларида 24,6 минг гектар Марказий Фарғона қўриқ ерлари қишлоқ хўжалиги оборотига киритилди. Бу ерларда 13 нафар кўчириладиган (кўчма колхозлар) ва 2 та совхоз ташкил қилинди. Хўжаликларда суғориладиган ерлардан фойдаланиш вилоятда тўғри ташкил қилинган ва улардан юқори пахта ҳосили олиниб, вилоят катта маблағ билан таъминланди.

Жумладан, Бўз туманининг "Ленинчи", "XVII партия съезди", Охунбобоев номли колхозларида қайтадан ўзлаштирилган ерларнинг 2656 га умумий майдонига пахта экилди ва 1961 йилда гектаридан 19-20 центнергача пахта ҳосили олинди. 100 га шудгор қилинган ердаги пул маблағи қуйидагини ташкил қилди: Охунбобоев номли колхоз бўйича - 46,0 минг рубль, "XVII партия съезди" - 51,0 минг рубль, "Ленинчи" - 57,8 минг рубль" [17.44].

Тўрақўрғон туманидаги 3580 гектар майдонга эга бўлган "Гигант" колхозида гектаридан 22,3 центнердан пахта ҳосили олинди, 100 га ердан олинган пул даромади 63,8 минг рублни ташкил этди. Шу билан бирга вилоят колхоз ва совхозларида кейинги йилларда экин майдонларини кенгайтириш ҳамда ўзлаштириш ишлари бўйича бир қанча жиддий етишмовчиликлар бўлган. Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш режаси бўйича қилинадиган ишлар йилдан йилга тўла бажарилмаган. Мазкур жараён бўйича тўлиқ маълумотга 2-жадвал орқали эга бўлиш мумкин.

2-жадвал

Марказий Фарғонадаги янги ерларнинг ўзлаштирилиши ва ирригация- мелиорация жиҳатдан тайёрланиши (1959 -1961 й.й.)

Йиллар	**Ўзлаштириш режаси (га)**	**Ирригация-мелиорация жиҳатдан тайёрланиши (га)**	**Ўзлаштирилди (га)**
1959	4000	4392	1757
1960	7682	4953	4386
1961	8850	5860	4483
Жами	**20532**	**15205**	**10626**

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Андижон вилоятининг 7 йиллик режаси бўйича дастлабки 3 йилда 20,5 минг га янги ерлар ўзлаштирилиши ва 15,2 минг га ирригация-мелиорация жиҳатидан тайёрланиши керак эди. Амалда эса фақат 10,6 минг га ёки режа бўйича 51 фоизга ўзлаштирилди ва 70 % майдон ирригация-мелиорация жиҳатдан тайёрланди.

1964 йилгача Марказий Фарғонанинг янги суғориладиган массивларида 2000 км дан узунроқ турли каналлар, 2000 км дан ортиқроқ ер ости канал-қувур ва коллекторлар, 7000 тадан кўп гидротехник иншоотлар қурилди [12.48].

ЎзССР Сув хўжалиги вазирлиги, ЎзССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги колхозлар бош бошқармаси, Андижон ва Фарғона вилоятлари партия ва ижроия комитетлари томонидан таклиф қилинган 1961-1965 йилларда Марказий Фарғона ерларининг 122,2 минг га майдонидаги қолган барча қўриқ ерларни суғориш, ундан Фарғона вилояти бўйича - 67,8 минг га ва Андижон вилояти бўйича - 54,4 минг га ерлардаги умумий ишларни якунлаш тўғрисидаги қарори маъқулланди. 1961-1966 йилларда 132,2 минг га, шундан Андижон вилояти бўйича - 60,7 минг га, Фарғона вилояти бўйича - 71,5 минг га ер қишлоқ хўжалиги оборотига киритилди.

Қисқа муддат ичида Марказий Фарғонадаги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш бўйича Фарғона водийсидаги колхозларнинг мавжуд имкониятларини ҳисобга олган ҳолда 1961-1966 йилларда вилоят ташкилотларининг қуйидаги таклифлари қабул қилинди. Унга кўра:

- Фарғона вилоятида мавжуд 20,3 минг га қўриқ ерларидаги пахтачилик совхозлари ва яна 17,3 минг гектарда иккита совхоз ташкил қилиш;

- Андижон вилояти бўйича 8,6 минг га мавжуд совхозлар ва яна 20,6 минг га совхозлар ташкил қилиш;

- қолган 65,4 минг га қўриқ ерлар майдони илгари Фарғона водийсида ташкил қилинган колхозларнинг кучи орқали бажариш [11.3] кўзда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, совет ҳукумати томонидан пахтачиликни ривожлантириш мақсадида XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришга муҳим сиёсий масала сифатида

қаралди. Жумладан, биз тадқиқ қилган даврда Марказий Фарғона ерларидаги ирригация-мелиорация ишларини юқори даражада ривожлантириш ҳамда тараққий эттиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу ҳудуддаги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун давлат бюджети ва колхозларнинг бўлинмас фондидан кўплаб капитал маблағлар ажратилди. Шу билан бирга, чўлларни ўзлаштиришдан кўзланган асосий мақсад пахтачиликни ривожлантиришга йўналтирилганди. Ўзлаштирилган ерларда эса пахтачилик соҳасига ихтисослаштирилган кўплаб янги туман ва совхозлар ташкил этилди. Мазкур ишлар ўзининг ижобий томонлари билан бирга, айрим салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқарди. Янги ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида республикада пахта етиштириш йилдан йилга кўпайиб борди. Бу эса қишлоқ хўжалигида пахта якка ҳокимлигининг янада кучайишига олиб келди. Ачинарлиси шуки, меҳнаткаш ўзбек халқи пахта якка ҳокимлиги сиёсати оқибатида эртаю кеч ерга бутунлай боғланиб қолди. Пахта ҳосилини кўпайтириш учун қўлланган турли хил кимёвий моддалар астасекин маҳаллий аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатди. Бўз ерларнинг ўзлаштирилиши, бу ишларнинг илмий жиҳатдан асосланмаган ҳолда олиб борилиши, пахта экин майдонларининг янада кенгайиши ҳамда уларнинг назоратсиз равишда суғорилиши, шунингдек, сув захираларидан оқилона фойдаланмаслик оқибатида сув танқислиги муаммоси ҳам келиб чиқди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув- услубий мажмуа. – Т.: Иқтисодиёт, 2010.
2. Фарғона вилоят давлат архиви (ФВДА), 1151-фонд, 1-рўйхат, 100-иш.
3. ФВДА, 1151-фонд, 1-рўйхат, 14-иш.
4. Нажимов Ф.Н. Ирригация - сувли деҳқончилик негизи. –Т.: Ўздавнашр, 1961.
5. ФВДА, 711-фонд, 1-рўйхат, 11-иш.
6. Таджибаев А. Внедрение научно-технического прогресса и передового опыта колхозного крестьянства Узбекистана в хлопководство (1950 - 1970 гг.): Дис. … докт. ист. наук. – Т., 1988.
7. Андижон вилоят давлат архиви (АВДА), 619-фонд, 1-рўйхат, 113-иш.
8. Давий К.А. Основные агромелиоративные мероприятия по освоению новых земель Центральной Ферганы. –Т.: Госиздат УзССР, 1963.
9. ФВДА, 1151-фонд, 1-рўйхат, 13-иш.
10. ФВДА, 1151-фонд, 1-рўйхат, 59-иш.
11. ФВДА, 1151-фонд, 1-рўйхат, 47-иш.
12. Очилов Н. Ўзбекистонда ирригация- мелиорация ишлари (1946 -1964). –Т.: Фан, 1991.
13. АВДА, 608-фонд, 1-рўйхат, 932-иш.
14. ФВДА, 1151-фонд, 1-рўйхат, 91-иш.
15. ЎзР МДА, Р.2483-фонд, 1-рўйхат, 1595-иш.
16. ЎзР МДА, Р.90-фонд, 10-рўйхат, 303-иш.
17. АВДА, 612-фонд, 1-рўйхат, 6-иш.

Андижон давлат университети,
2011 йил 16 июнда қабул қилинган.
(Тақризчи: проф. И.Алимов)